

**ЁШЛАРНИНГ АКМЕОЛОГИК КАРАШЛАРИНИ
ШАКЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МАЬНАВИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Кенжаев Шавкатжон Хусанович

Гулистан. Гулистан давлат университети катта ўқитувчиси.

+99890-680-79-07

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига рахна соладиган турли янги таҳдид ва ҳавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, аҳлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга интилишга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундейди”, деб таъкидлайди. Шу боис ҳам халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсоннинг барча ҳаракатлари, эзгу ниятлари марказида фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш бошқа халқларнинг фарзандларидан ҳеч ҳам кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Чунки ҳар томонлама етук авлодгина бугун хаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб оғир синов ва қийинчиликларни енгиши, қўзланган юксак мақсад ва мэрраларни эгаллаши мумкин.

Жамиятда соғлом маънавий муҳитни яратиш, ҳар томонлама етук баркамол авлодни вояга етказишида ислом дини ва унинг халқчил фалсафаси алоҳида аҳамиятга эга.. Инсон ва жамоаларнинг ўз тараккиётида юксак даражага эришишини ўрганувчи фанлар мажмуаси акмеология дейилади. Бу фан инсон ва жамоалар ўз тараккиётида юксакликка эришишини ўрганувчи барча фанлар билан чамбарчас алоқада булади. Айникса унинг шарқона эзгу хусусиятларни ўзида мужассамлашгирган шахснинг маънавий камолотига таъсир ўтказадиган жиҳатлари муҳим ҳисобланади.

Чунки, хозирги кунда инсоннинг балоғат даврини тадқиқ этувчи ишлар саноқли. Шундай экан, акмеологиянинг инсон балоғат даврига қадам босгандан сўнгги даврни тадқиқ этиши ёш даврлари психологияси томонидан зарурий шартдир. Шундан келиб чикиб, акмеология инсон умрининг энг актив даврини, яъни болалик ва кексалик оралиғидаги даври, унда кечадиган турли физиологик, психологик ҳолатларни ўрганади. Акмеологиянинг энг асосий хусусиятларидан бири жисмонан бақувватлик ҳисобланади. Инсон айнан балоғат даврида жисмонан камол топади ва куч қувватга эга бўлади. Инсон организмдаги деярли барча аъзолар ўз тараққиётида мукаммаллик даражасига етади. Бунда нафакат жисмонан саломатлик, балки шахс психофизиологик кўрсаткичлари ҳам ўзининг энг ривожланган ҳолатига эришади. Инсоннинг жисмоний камолати тўғрисида ислом динининг асосий кўрсатмаларидан бири инсон тугилганидан эътиборан, унга берилган соғлик, кўркамликни умрининг охирига кадар омонат деб билиши ва ўз ҳолича, янада такомиллаштириб саклашга интилиб яшashi зарур. Шу сабабли хам исломий тарбиянинг асосий хусусиятларидан бири инсон таънасига салбий таъсир қилувчи барча нарсаларнинг ҳаром килинганидир. Шунингдек, доимий поклик, руҳий хасталикларга олиб келувчи турли хил тухмат, ғийбат ва шу каби маънавий иллатлар хам ҳаром килингани ислом маънавиятининг талабларига мувофиқдир.

Инсоннинг жисмоний жихатдан саломатлик чўққисига эришиши, танадаги биологик ва психофизиологик жараёнларнинг бир маромда бўлиши инсон кайфиятида ижобий туйгулар ва руҳиятида ўз-ўзидан қоникқиши, ишонч ҳиссининг юзага келишига асос бўлади.

Ислом тарбияси шахсни мустақил оила қуриш, ота-она, турмуш ўртоги ва фарзанд олдидағи бурч каби инсонни улуғловчи негизларни тарғиб қилиши акмеология фанининг асосий тамойиллариға мос келади.

Акмеология фанининг яна бир вазифаси инсонни ўз касбининг моҳир мутахассиси қилиб тарбиялашдир. Чунки инсон айнан балоғат ёшида бирон касбни эгаллай бошлайди ва кўп ҳолларда хатто умрининг охиригача ўз

хаёти мазмуни деб қарайди. Балогатнинг маълум даврига келиб касб, инсон шуғулланадиган меҳнат фаолияти унинг мавкеини таърифлашдаги асосий манбага айланади ва одамлар нигоҳида унинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи асосий негизга айланади. Шарқона урф-одатлар, исломий қадриятларга кўра эркак кишининг ўз касби соҳасидаги етуклиги, шу касб орқали оиласини тебратиши, уни етук, оилапарвар инсон деб баҳолашда муҳим мезондир.

Бизга маълумки акмеологик даврда шахс табиий ва ижтимоий етукликка эришади. Инсонни фаол шахс сифатида тушуниш, уни етук шахс сифатида талқин этиш акмеология фанининг предметини аниклаштиришга имкон яратади. Шу муносабат билан, балоғат даврига етган инсонни бир бутун тузилма сифатида тушунган ҳолда ундаги индивидга, шахсга ва субъектга хос жиҳатларни алоҳида таҳлил этишимиз мумкин.

Шунингдек бугунги кунда ислом маънавияти ва акмеологик муаммоларнинг ўзаро алокадорлик жиҳатлари тадқиқ қилинганда яна қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

- дин ва акмеология фанлари бир бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб келган ижтимоий-тарихий ҳодисадир;
- маънавият ва акмеологиянинг ўзгармас олтин қоидалари диний қадриятларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, уни туғри тушуниш ва тушунтириш, амалиётга татбиқ қилиш муҳим;
- Ислом манбаларидаги маънавий ғояларни, уларнинг фалсафий моҳиятини тадқиқ қилиш ёшларда акмеологик қарашларни шакллантириш борасидаги муаммоларнинг (жумладан этосферани вужудга келтириш) ҳал қилинишида муҳим аҳамият касб этади;
- халиимиз хаётида муҳим тарихий бурилиш ҳисобланган мустакилликка эришгандан кейин пайдо бўлган ижтимоий маконда кишиларнинг онгини ўзgartириши, уларда борлиққа, жамиятга, давлатга бўлган янгича дунёқарашни шакллантириш зарурати тугилди. Бу ўринда асосий воситалар сифатида миллий ўзликни англаш, миллий қадриятлар ва миллий маънавий

меросдан фойдаланилди ва фойдаланилмоқда. Хусусан миллий кадриятимиз даражасига кўтарилган ислом динининг анъана ва маросимлари, ахлоқий таълимотининг ўрни катта бўлмоқда;

- мафкуравий хуружлар авж олган ҳозирги вақтда жамиятни, айникса ёшларни оммавий маданиятга, ҳаётга, жамиятга бўлган енгил елпи қарашлардан халос қилишда ҳам ислом маданиятининг маънавий ва акмеологик ғояларнинг аҳамияти ошиб бормоқда;

- ҳозирги экологик инқироз ва ҳалокат хавфи ортиб бораётган шароитда маънавий ва акмеологик тарбиянинг энг муҳим омили бўлган табиат билан доимий равишда муносабатда бўлмай туриб, маънавий жиҳатдан ривожланиш, маънавий ва акмеологик тарбияни уюштириш мумкин эмас.

Хулоса килиб айтганда, маънавий-акмеологик тарбия ижтимоий фаол, хар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш мақсадига йўналтирилган. Ўзбекистан Мустақил давлат сифатида фуқароларининг, айникса ёш авлодни маънавий-акмеологик дунёқарашини янада такомиллаштиришни ўз олдига асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб, кишиларнинг бадиий, ижтимоий, тиббий маданиятини юксалтириш, ижтимоий талаб-эҳтиёжлар қондиришни мақсад қилиб қўйган.